

Үшиншиден: ҳазирги дәўир көркем аўызеки дөре-тиўшилигинде, ҳазирги каракалпак әдебиятында (халық қосықлары, салт-дәстүр жырларында (бет ашар)

импровизациялық көркем әдебий қубылыс талқыға алынып, бир системаға салынып изертлениў керек деген жуўмаққа келдик.

Әдебиятлар:

1. Ахметов С., Бахадырова С. Фольклорлық терминлердің қысқаша сөзилиги. Нөкис: «Билим», 1993., 40-41-бетлер.; Ахметов С., Есенов Ж., Жаримбетов Қ., Әдебияттану атамаларының орысша-қарақалпакша түсіндірме сөзлиги, Нөкис: «Билим», 1994.152-бет.
2. Ахметов С., Бахадырова С. Фольклорлық терминлердің қысқаша сөзилиги. Нөкис: «Билим», 1993., 40-41-бетлер.
3. Ахметов С., Бахадырова С. Фольклорлық терминлердің қысқаша сөзилиги. Нөкис: «Билим», 1993.; Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. II том. Нөкис: «Қарақалпакстан», 1977.; Айымбетов Қ. Халық даналығы. Нөкис: «Қарақалпакстан», 1988.; Максетов Қ. Қарақалпак фольклорының эстетикасы. Нөкис: «Қарақалпакстан», 1971.; Пахратдинов Ә. Роль назначения творчество народных шаирав в становлении и развитии каракалпакской советской литературе. Нукус: «Қарақалпакстан», 1976.; Пахратдинов Ә. Садық Нурымбетовтың творчестволық жоллары. Нөкис: «Қарақалпакстан», 1976.; Пахратдинов Ә. Халық шайырларында шайыршылықтың келип шығуы тарийхынан. Нөкис: «Қарақалпакстан» 1980.; Алламбергенов К. Қарақалпак әдебиятында айтыс. -Нөкис: «Қарақалпакстан», 1989.
4. Дәўқараев Н. Шығармаларының толық жыйнағы. II том. Нөкис: «Қарақалпакстан», 1977, 96-бет.
5. Айтыс. I том. 1942-ж. 4-5-бетлер. Цитата алынды: Пахратдинов Ә. Халық шайырларында шайыршылықтың келип шығуы тарийхынан, Нөкис: «Қарақалпакстан», 1980. 4-бет.
6. Пахратдинов Ә. Халық шайырларында шайыршылықтың келип шығуы тарийхынан. Нөкис: «Қарақалпакстан», 1980.
7. Алламбергенов К. Қарақалпак әдебиятында айтыс, Нөкис: «Қарақалпакстан», 1989. 35-бет.

РЕЗЮМЕ

Бу мокалада қарақалпак адабиетіде импровизация аңғанасининг назарий асослари, равожланиш даврлари ва бугинги қарақалпак адабиетшунослик фанида илмий изланишлар, Н.Давқараев, Қ.Айымбетов, А.Пахратдинов, К.Алламбергеновларнинг илмий изланишлари асосида сўз этилади. Импровизация аңғанасининг равожланиш даврлари ва жараёнлари қарақалпак халқининг оғизаки ижоди жиров-шайирлар ижодидан намуна олғани ва бугинги қарақалпак адабиетіде давом этиш жараёни сўз этилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье идет речь о теоретических основах импровизационных традиций в каракалпакской литературе, этапах формирования, развития и вопросах исследования в современном каракалпакском литературоведении на основе исследований Н.Давқараева, К.Айымбетова, А.Пахратдинова, К.Алламбергенова. А также, говорится о возникновении явления импровизации, этапах формирования каракалпакского художественного устного народного творчества, о том, что оно берет начало с наследия жырау-поэтов раннего периода и продолжается и в сегодняшней каракалпакской литературе, и в современном художественном устном творчестве, в том числе и в традиционных песнях.

SUMMARY

This article discusses the theoretical foundations of improvisational traditions in Karakalpak literature, the stages of formation, development and research issues in modern Karakalpak literary criticism based on the research of N. Davkaraev, K. Aimbetov, A. Pakhratdinov, K. Allambergenov. And also, it is said about the occurrence of the phenomenon of improvisation, the stages of the formation of the Karakalpak oral folk art, that it originates from the legacy of zhyrau poets of the early period and continues in today's Karakalpak literature, and in modern oral art, including in traditional songs.

ШЕЪРИЯТДА ДИАЛОГ: ЛИРИК ВА ДРАМАТИК ТАСВИР

С.Матякупов – филология фанлари номзоди, доцент

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: лирика, диалог, монолог, лирик тасвир, драматик тасвир бадий ифода.

Ключевые слова: лирика, диалог, монолог, лирическое описание, драматическое описание, художественное сознание.

Key words: lyrics, dialogue, monologue, lyric description, dramatic description, literary mind.

Замонавий илм-фан бугунги кунда барча соҳалар каби адабиётшунослик олдиға ҳам аниқ вазифаларни белгилаб берди. Зеро, халқимизнинг азалий мероси, миллий кадриятларини умуминсоний мезонлар билан ўрганиш ва жаҳон цивилизацияси таракқиетидаги ўрни ҳамда аҳамиятини кўрсатиш адабиётнинг асосий мақсадларидан биридир. Шу маънода, бугунги кунда адабиётнинг барча тур ва жанрларида кузатилаётганидек, шеъриятда ҳам шакл ва мазмун жиҳатдан ўзгариш ҳамда янгиланишлар бўй кўрсатмоқда. Бу нарса биринчи галда инсон ва унинг тақдири талқини борасида намоён бўлиб, бу каби муаммоларни бадий тадқиқ этишда ўзига хос шакллар, ифода усуллари вужудга келмоқда.

Истиқлол даври ўзбек шеъриятининг турли кирралари бўйича адабиётшунослигимизда бир қатор монографик тадқиқотлар яратилиб, уларда бадий психологизм, образ ва ритм муносабати, ҳаётни поэтик талқин этиш таомиллари, бадий хусусиятлари, ижодкор шахсияти ва лирик қаҳрамон, халқона поэтик тафаккур, услубий изланишлар, модерн шеърият поэтикаси, шеърий туркум табиати каби бир қатор муаммолар махсус тадқиқ қилинди.

Шеъриятда диалог масаласи жаҳон, рус ва қардош халқлар адабиётшунослигида муаян даражада тадқиқ этилиб, диссертация ва мақолаларда илмий жиҳатдан умумлаштирилган.

Ўзбек адабиётшунослигида шеъриятда диалог ва унинг талқин хусусиятлари борасида ҳозирга қадар

йирик илмий тадқиқот иши яратилган эмас. Адабиётшунос олим, профессор Б.Саримсоқов томонидан А.Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари бўйича эълон қилинган мақолада жанр табиати ҳамда мулоқотнинг вужудга келиш омиллари илмий таҳлил қилинади [10]. Лекин замонавий шеъриятда диалогларнинг қўлланиши ҳамда унинг илмий-назарий асосларини ёритиш бугунги адабиётшунослигимиз олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Зеро, диалог бадий ижод назарияси ва психологиясининг энг муҳим омили саналади. Шу маънода, бадий асар қайси тур ва жанрга оид бўлмасин унда асосан ижодкорнинг олам ва одам билан мулоқоти акс этади. Негаки, “Бадий матн назмий, насрий ёки драматик кўринишда бўлишидан қатъи назар, унда муаллиф “мени” асосий ўринда туради. Назмий матн монологик характерда, драматик матн, асосан, диалогик характерда, насрий матн ҳам диалогик ҳам монологик кўринишда бўлади. Назмий асар қаҳрамони шоирнинг ўзи бўлиб, унинг асардаги воқеа-ҳодисаларга, шахс ёки нарсаларга, ҳолат ёки жараёнларга муносабати шеър матнига сингдириб юборилган бўлса, драматик ва насрий матнларда асар қаҳрамонлари ва улар билан боғлиқ ҳолатлар ремаркалар орқали берилади” [9:38]. Асли шеърий асар диалогик тафаккур маҳсули сифатида вужудга келади. Унда шоир ўз қалб кечинмаларини у ёки бу шаклдаги диалог (ички ва ташқи) замирида ифода қилади.

Ҳозирги ўзбек адабиетида яратилган шундай шеър-

лар борки, уларда лирик ва драматик жанрлар синтезини англаш мумкин. Уларда қўлланилган диалогларда драматик унсурлар гавдаланади. Шу ўринда драматик турнинг шаклланишида лириканинг таъсири ва лирикадаги диалогнинг драматик тур хусусиятлари билан боғлиқлигини унутмаслигимиз лозим. Бундай мисолларни Абдулла Орипов ижодида кўплаб кузатиш мумкин. Хусусан, унинг “Айтишув” шеърида аждодлар ва авлодлар мулоқоти куйидагича тасвирланади:

Аждодлар:

– Самарканду Бухорони бизлар курганмиз.

Авлодлар:

– Бизлар эса сиз курганни бориб кўрганмиз.

Аждодлар:

– Шахматни биз ўйлаб топдик шавкларга тўлдик.

Авлодлар:

– Бизлар эса уни ўйнаб чемпион бўлдик [8:104].

Мазкур шеър китобхонда гўё драматик асар ўқиётгандек ёки гўё театр сахнасида қандайдир асарни томоша қилаётгандек таассурот уйғотади. Шеърда тасвирланган диалог давомида драматик ифода ҳамда унинг таъсир кучи намоён бўлади. Диалогда аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган буюк обидалар, амалга оширилган оламшумул ишлар таъкидлаб ўтилмоқда. Авлодлар томонидан айтилаётган сатрларда ҳам гўёки аждодлар мероси такомиллаштириб, янги зафарларга эришилаётгани кўрсатилаётгандек. Лекин шеърда шоир ифодаламоқчи бўлган мақсад бу эмас. Шеър мазмунига чуқурроқ нигоҳ ташласак, унда инсониятнинг тобора ёвузлашиб, миллий-маданий меросларни менсимай қўйиши ва табиат билан шавкатсиз курашаётганлиги ҳамда унинг аянчли оқибатларига диққат қаратилади. Бу нарсалар шеърнинг кейинги мисраларида аниқ ифодаланади:

Аждодлар:

– Тил яратдик, ёзув туздик гўзал ҳамда бой.

Авлодлар:

– Биз уларга музейлардан топиб қўйдик жой.

Аждодлар:

– Биздан қолган шўх дарёлар, қўллар мусаффо.

Авлодлар:

– Уларни ҳам қуритгаймиз бир кун, иншолло...

Аждодлар:

– Биз порохни хумга тикдик кашф этган они.

Авлодлар:

– Хум устига ўтиргиздик бизлар дунёни [8:104].

Адабиётшуносларимиз эътироф этганидек, “Диалог замирига нечоғли чуқур рамзий ва фалсафий маънолар яширинган. Шеър ниҳоясида шоир ўз поэтик ғоясини янада кескинлаштиради. Бошқа бирорта ортиқча сўз, изох, шарҳ, поэтик талкин ёхуд таҳлил йўқ! Шоир матнда яширинган қанчадан-қанча маънони топишни, унинг тагига етиб, идрок этишни ўқувчининг ўзига қолдиради” [7:475].

Кўринадики, лирик талкинда драматик шакл уйғунлиги шеърнинг тасвир ва таъсир имкониятларини оширган. Шу билан бирга лирик асарларда драматик мулоқотларни акс эттиришни адабиётимизда мавжуд анъаналардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Адабиётшунос олим У.Жўракулов тадқиқотларида мазкур масалага шундай муносабат билдирилади: “Ўзбек классик адабиётининг дoston ва ғазал жанрларида ҳам драма спецификасига хос элементлар кўп учрайди ва бу драманинг учинчи таянч манбасини ташкил этади. Хусусан, Алишер Навоийнинг “Хамса”сини оладиган бўлсак,

ундаги барча мураккаб вазиятлар драматик мулоқот воситасида акс эттирилади. Образлараро драматик контакт асар конфликтни табиатини белгилайди”, – дея ўз фикрларни “Фарҳод ва Ширин дostonидаги Хусрав ва Фарҳод мулоқоти билан асослайди [5:24].

Худди шу каби драматик шаклдаги мулоқотни Улуғбек Ҳамдамнинг “Тангри бизни асрасин доим” шеърида ҳам кузатиш мумкин. А.Ориповнинг юқоридаги шеърида аждодлар ва авлодлар (иккилик) мулоқоти тасвирланса, У.Ҳамдам шеърида фаришталар, қиз ва йигит (учлик) мулоқоти акс эттирилади.

Фаришталар:

Тангри бизни асрасин доим,

Бахтли бўлсин ҳамма, илойим!..

Қиз:

Кетинг энди, хайр, алvido,

Бахтли бўлинг мендан узоқда!

Йўқса, сизни тинч қўймас асло

Йўлимдаги минг-минг тузоқлар...

Йигит:

Сўзим бирдир менинг ўлгунча,

Ахир, ишқдан бўлурми тониб?

Ўзга билан бахтли бўлгунча

Бахтсиз бўлай сен билан қолиб... [12:223].

Диалогдан англашиладики, унда қизнинг кескин қарорга келишига сабаб бўлган омиллар мавжуд. Шоир эса бу нарсаларни таъриф ва талкин қилмасдан фақат мулоқот орқали уларнинг қисмат ва тақдирини англашнинг ўзига хос шаклини яратади. Мулоқот жараёнида йигитнинг мардлиги, жавоби ҳамда хулосаси муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инсоннинг иқболию заволи ўз табиати ва шу инсон вояга етган жамиятнинг маънавий-ахлоқий асослари билан боғлиқ. “Ҳақиқий санъаткор қай даврда яшашидан қатъи назар, ҳаётнинг тараққиёт тенденцияларини шунга қараб белгилаши унинг биринчи даражали ижодий ютуқларидан ҳисобланади” [1:162], – деган эди, И.Султон. Қолаверса, В.Г.Белинский уқтирганидек, “...бадий асарда тасвир этилаётган гўзаллик ҳаётнинг ўзида мавжуд ва шу гўзалликни ёрқин кўрсатишининг ўзи бадийлик ва ҳаққонийликнинг биринчи шартидир” [2:556].

Таъкидлаш керакки, У.Ҳамдам шеърида муҳаббат деб аталган илоҳий туйғунинг йигит ва қиз томонидан кадрланишини ҳамда бир-бирига бўлган вафо ва садоқати, ўз тақдирлари учун курашиши Фаришталар таҳсинига сазовор бўлади. Шеърнинг кейинги қисмида қиз ва йигит мулоқотидаги вазият кескинлиги драматик талқинни кучайтиради.

Қиз:

Ундай деманг! отинг нарига –

Совуқ сўзлар қалбни ер экан.

Яхши-ёмон гапнинг барига

Фаришталар “Омин!” дер экан.

Йигит:

Унда эшит сўзим бўлмасдан,

Ҳаёт йўқдир сенсиз мен учун!

Ёрим билан бирга ўлмасам

Бу дунёда яшамок нечун?!

Фаришталар:

Тангри сизни асрасин доим,

Бахтли бўлсин ҳамма, илойим!.. [12:224].

Адабий тур ва жанрларнинг ўзига хос табиати хусусида мулоҳаза юритар экан, Б.Саримсоқов шундай таъкидлайди: “Бадий кечинманинг бу тури ўзининг воқе бўлиш тарзи ва бадий асарда акс этиши билан бошқа адабий турлардан ажралиб туради. Драма атамаси гарчи юнонча ҳаракат сўзидан олинган бўлса-да, бироқ адабий турлар ичида синкретик табиати билан ўзгачалик касб этади... Бундан ташқари, драматик кечинма инсон ҳаётининг энг нишаб, энг муҳим ва таҳликали вазиятлари асосида туғилади. Шу боис драма турига оид жанрларда воқелик батафсил кетма-кетлиги билан эмас, балки қаҳрамонлар ҳаётининг энг авж нукталарини қамраб олиши билан характерланади” [11:83].

Демак, лирик ва драматик кечинмалар уйғунлигида акс эттирилган диалогик тасвирлар шоир лирик “мени”ни ифода қилишда жуда қўл келган. Шунингдек, улардаги диалоглар ўзининг ортиқча тафсилотларсиз афористик ихчамликни вужудга келтирган.

Диалогик талкида ижодкорнинг ўқувчи олдида қўяётган ҳаётини саволлари ҳам ўз ифодасини топади. Бу саволлар, албатта, замон ва макон нуктаи назаридан ҳам чегара билмайди. Чунки ҳар бир давр кишиси ундан ўзи учун жавоб излайди. Бундай характердаги диалогик тасвирларни Эркин Воҳидовнинг “Донишманд ва жоҳил” шеърда ҳам кузатиш мумкин.

- Мен яхшилик қилдим-ку сенга,
- Нега урдинг, недиру гуноҳим?
- Сендаги бу ҳимматни нега
- Бергани йўқ менга Оллоҳим? [3:311].

Аксарият ҳолларда шеър икки хил, гоҳ кўтаринки гоҳ тушқин кайфиятда яратилиши кузатилади. Негаки, ҳар икки ҳолатда ҳам ижодкор қайсидир ҳаёт ҳақиқати ёки кўрган-билганлари, ўзи иштирок этган воқеа-ҳодисалар хусусида мулоҳаза юритиб, ўша ҳолат ёки жараён билан ҳаёлан мулоқотга киришади. Мулоқотнинг қай йўсинда кечиши ҳамда унинг ифодаси шоирнинг ўша оний лаҳзадаги руҳий ҳолати, шу ҳолатга тушишга сабаб бўлган омилларнинг таъсири билан боғлиқ ҳолда драматик кечинма баёнига сабаб бўлади. Шу маънода, Э.Воҳидовнинг “Тангрига илтижо” шеърда ҳам диалогик тафаккурнинг моҳирона бадий ифодаси кўринади.

- Тангрим, менга бер дардларингни,
- Ғамларингда қуйдиргин.
- Лекин тўймас бандларнинг
- Кўзларини тўйдиргин.

- Сандиқларга мўл-қўл қилиб
- Зар тўлдиру очиб қўй.
- Япроқларни яшил пул қил,
- Бошларидан сочиб қўй [4:110].

Кўринадики, мазкур парчада инсон феълидаги иллатлар, хусусан, нафс қулига айланиш, унинг измидан чиқолмаслик каби умуминсоний муаммолар қаламга олинади. Шеърда айтимокчи бўлган ахлоқий-фалсафий маъно анча теран. Ахир нафсни жиловлай олмаслик инсонлик макомини барбод этади. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон барча ғаму ташвишларни ўзига сўраб, нафсга муккасидан кетган кимсаларнинг кўзларини тўйдиришини илтижо қилапти.

Адабиётлар

1. Адабиёт назарияси. Икки жилдлик. Адабий-тарихий жараён. II жилд. – Т.: «Фан», 1979. II жилд.
2. Белинский В.Г. Полное. собр. соч. – М.: «Наука», 1954. Том 5.
3. Воҳидов Э. Орзули дунё. – Т.: «Ўзбекистон», 2017.
4. Воҳидов Э. Асарлар. Қиш ҳаловати. – Т.: “Шарқ”, 2016.
5. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.
6. Жуманиязова Н. Истиқлол даври ўзбек лирикасида услубий изланишлар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: 2011.
7. Каримов Н., Мамажонов С., Назаров Б., Норматов У., Шарафиддинов О. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: “Ўқитувчи”, 1999.
8. Орипов А. Танланган асарлар 2-жилд (шеърлар ва дostonлар). – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001.
9. Саидхонов М. Драматик матнда ремарканинг ўрни. // Тил ва адабиёт таълими, 2009. № 4.
10. Саримсоқов Б. Алишер Навоий лирикасида ғазал-мулоқот шакллари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. 1-сон.
11. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004.
12. Ҳамдам У. Ёски дунё ва янги мен. – Т.: Янги аср авлоди, 2018.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шеърятда диалог яратиш ҳамда унинг вужудга келиш омиллари, лирик ва драматик тасвир синтези, бадий ифода шакллари, ижодкор бадий маҳорати масалалари тадқиқ этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы создания диалога в поэзии и условия его появления, синтез лирического и драматического описания, формы литературной выразительности и литературная способность создателя.

SUMMARY

The article deals with the issues of creating a dialogue in poetry and the ways of its appearance, synthesis of lyric and dramatic description, types of literary expressiveness and the skill of a creator.